# ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Бугунги ҳаётни алоқа хизматисиз тасаввур этиш қийин. Жаҳон тараққиёти, бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шу. Бозор муносабатларига босқичма-босқич кириб бораётган республикамизда бошқа соҳалар қатори алоқа хизматига ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ўтган йил мобайнида алоқа хизмати соҳасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Қарши шаҳрида «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси ёрдамида уяли телефон станцияси қуриб, ишга туширилди ва турли мамлакатлар билан алоқа қилиш имконияти яратилди. Вилоят телевидениеси ҳафтасига 90 дақиқа кўрсатувлар бера бошлади.

Аҳолига алоқа хизмати кўрсатишда тармоқ ходимларининг хизмати катта. Алоқа тармоғининг ҳам ўз фидойилари, меҳнат фахрийлари бор. Улар ҳақида сўз кетганда, Қарши туман телефон тармоғидан Турсун ака Тўрақулов, Оват опа Турсунова, Қарши радиоузелининг бошлиғи Эрқул Шерқулов, телефон тузатиш усталари — Неъмат Қудратов, Ҳусан Холбоев, шаҳарлараро телефон станциясининг катта телефончиси Меҳрихон Аҳмедоваларнинг номларини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Бироқ шундай бўлсада, камчиликлар ҳам йўқ эмас. 1995 йилнинг апрель ойидан буён хонадонимизга туширилган 5-45-28 рақамли телефон ишламайди. Зора янги йилда қаршилик алоқачилар бир ҳиммат кўрсатишиб, бизнинг телефонни ҳам тузатишса, бу оиламиз учун янги йил совғаси бўларди.

Республикамизнинг барча алоқачиларини 1996 йил билан қизғин табриклайман. Машаққатли, аммо шарафли ишларида зафар, ўзларига соғлик-саломатлик тилайман.

**Мадаминжон АВЛИЁҚУЛОВ,**
**Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири**

# ЙИЛДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎЛДИ

Мана, 1995 йил якунланиб, 1996 йил ҳам бошланди. Ўтган йилда босиб ўтган йўлимизга бир назар ташлар эканмиз, амалга оширилган ишларимиздан бир мунча кўнглимиз тўлди.

Бозор иқтисоди қийинчиликлари ҳамма соҳада бўлгани каби туманимиз почта алоқа тармоғини ҳам четлаб ўтмаяпти. Бу қийинчиликларни енгиб ўтиш, ишчи-хизматчиларга ҳар жиҳатдан моддий ёрдам бериш йўлларини излаб топдик.

Табиий газдан, электр қувватидан фойдаланганлик учун тўланадиган бадалларни ташкилотлар билан келишиб, шартнома асосида тўловни жорий этдик. Хат ташувчиларнинг аҳолига яхши хизмат кўрсатишларини таъминладик. Уйма-уй юриб ҳар хил жўнатмалар, шошилинчномаларни жўнатиш учун қабул қилиш, туғилган кун, никоҳ тўйлари учун таклифномаларни сотиш ишларини йўлга қўйдик. Бу ишлар жамоамизни янада жипслаштириб, кўпроқ меҳнат қилишга ундади.

Шунингдек, барча алоқа бўлимлари таъмирлаб чиқилди, почта алоқаси тармоғининг янги биноси қурилишини бошлаб юбордик.

Ташкилотимиздаги ёрдамга муҳтож бўлган оилаларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қилаётирмиз.

Нафақахўрларимиздан М. Саломова, К. Кучаева, Б. Сулаймонов ҳамда уруш қатнашчиларидан Чори Кенжаев, Абдулла Тулисовларнинг телефон ва радио хизмати учун пулларини ташкилот ҳисобидан тўлайдиган бўлдик.

Корхонамизда 40 йилдан зиёд фидокорона меҳнат қилган Д. Очилов ва Б. Отамуродовни нафақага тантанали кузатдик, уларга моддий ёрдам кўрсатдик. Хуллас, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, аҳолига намунали почта хизмати кўрсатиш янги йилда ҳам асосий мақсадимиз бўлиб қолаверади.

**Б. ЖАЛИЛОВ,**
**Бухоро вилояти, Жондор тумани почта алоқа тармоғи касаба қўмитасининг раиси**



**Баҳодир Қосимов раҳбарлигидаги «Ташаббускор» жамоа корхонаси сантехниклар бригадасининг бошлиғи Анатолий Валентинович Дудиннинг номини ҳамкасблари ҳурмат билан тилга олишади. У корхона мустақил ташкилот сифатида ажралиб чиққан дастлабки кунларданоқ шу жамоада самарали меҳнат қилиб келмоқда. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган алоқа корхоналари биноларини таъмирлаш ишларида А.В.Дудин бригадасининг ўзига хос хизматлари бор. Баъзилар бу бригадани «Дудинлар бригадаси» ҳам дейишади. Сабаби — Анатолий Васильевичнинг икки ўғли Евгений ва Константинлар ҳам оталари билан ёнма-ён меҳнат қилишади. Тўғри, Константин ҳозир ҳарбий хизматни ўтамоқда.**

*Суратда: А.В. ДУДИН шогирди Одил САЛИМОВ билан.*

*Суратқаш Т.ЛУТФУЛЛАЕВ*

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Дарахт бир жойда кўкаради дейишади. Жамолиддин Тўйчиевнинг тақдири ям-яшил дарахтга ўхшайди.

У 1969 йили Тошкент шаҳридаги 44-АТСга электромеханик бўлиб ишга кириб, то станция муҳандислигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Жамолиддин ака умрининг 24 йилини шу АТС билан боғлади. Йиллар эса шиддат билан ўтиб бормоқда. Мана, 1996 йил ҳам кириб келди. Ўтган йили Жамолиддин ака ишлаётган 44-АТС замонавий рақамли тизимга ўтказилди. Бу муҳим янгиликни ишчи-хизматчилар ҳам қувонч билан кутиб олишди.

Янги техникани ўзлаштиришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун сидқидилдан меҳнат қилиш лозим. Жамоа аъзолари ҳозирги кунда бу вазифани уддалашга ҳаракат қилишмоқда. Ниҳоят, кутилган натижага эришилди.

Бу ҳақда Жамолиддин Тўйчиев шундай дейди: «Дастлаб ишга кирган вақтларим — 1960 йилларда алоқа соҳасида ишлаш анча қийин эди. У пайтларда алоқа техникалари номукаммал, маҳаллий ходимлар малакасиз эди. Бошқа қийинчиликлар ҳам бор эди...»

Меҳнат инсонни улуғлайди. Жамолиддин ака ҳам меҳнатда тобланди. Касб сирларини эгаллади, дўстлар орттирди, шогирдлар тайёрлади. Хуллас, меҳнат қилиб кам бўлмади, жамоада камол топди, обрў қозонди.

Жамолиддин Тўйчиев кўпгина алоқачиларга устозлик қилди. Ҳикмат Муҳаммаджонов, Султон Камолов, Гулзира Шамбаева каби шогирдлари алоқа соҳасида кўп йиллардан бери астойдил меҳнат қилишяпти.

Инсон доимо эзгуликка ташна. Ҳаётда кимдир тўғри йўлни кўрсатса, қўлдан келганча яхшилик қилса, ҳеч бўлмаса буғдой сўзини айтса, шунинг ўзи катта бахт.

Жамолиддин ака одоб-ахлоқ, табобат мавзусидаги китобларни кўп ўқийди, фарзандлари ва шогирдларини яхши инсон бўлишга даъват қилади. Уни жамоада ҳам, маҳаллада ҳам, уйда ҳам ҳамма ҳурмат қилади. У уч ўғил ва икки қизнинг отаси. Оиласи тотув, аҳил.

Жамолиддин ака аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш яхшиланаётганидан хурсанд. Заҳматкаш алоқачилар одамлар оғирини енгил қилишга ҳаракат қилишмоқда. Улар орасида Жамолиддин Тўйчиев каби эзгу ниятли, ўз касбининг фидойиси бўлган инсонлар кўп бўлишини истаймиз.

**Иззат АҲМЕДОВ**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар ва унинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш олимлар ва амалиётчилар олдидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Жорий йилнинг ниҳоясида Тошкент Электротехника алоқа институтида ушбу институтнинг 40 йиллигига бағишланган «Цивилизация, мустақиллик, инсон» мавзусида ўтказилган Республика фанлар академияси ва Олий ўқув юртлари вакилларининг илмий-амалий конференцияси ана шу вазифани бажариш йўлидаги қадам бўлди. Конференция фаннинг турли соҳалари билан шуғулланувчи 20 га яқин илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари вакиллари долзарб мавзуларда маърузалар билан қатнашдилар. Айниқса, «Жаҳон маданияти ва Ўзбекистон», «Янгича фалсафий фикрлаш муаммолари», «Маданий-экологик таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолари», «Ўзбекистон республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий муаммолари», «Мустақил давлатда тил ўрганиш» каби маърузалар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Конференцияда маъқулланган 90 га яқин илмий маъруза ва маърузанинг қисқа баёнини ўз ичига олган тўплам чоп этишга келишилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

● Алоқа матбуот кўзгусида

## ТЕЛЕФОНДАГИ «ГИПНОЗ»

Дарҳақиқат, бу ғаройиб шов-шувни телефондаги «гипноз» натижаси дейиш мумкин. Одатда дўконларда ҳар бир майда қайтимни кунт билан санаб-ҳисоблаб кўрадиган тежамкор америкалик қариялар тўсатдан, ҳеч қандай қаршиликсиз, ўз инон-ихтиёрлари билан минг-минглаб доллар пулларни ўзлари умрида кўрмаган кимсаларга, уларнинг телефонда пенсия пулларингизни кўпайтириб берамиз деган гапларига лаққа ишониб, топшириб қўйишди.

Икки йил давом этган бу қаллоблик якунлари эълон қилинди. «Қарияларни ҳимоя қилиш» операциясида махсус мутасадди ташкилотлар иштирок этдилар. Натижада 14 штатдан 422 қаллоб ушланди. Ўтган йилги қабул қилинган қонунга кўра, почта ва телефон орқали қилинган қаллобликлар учун ўн йиллик қамоқ жазоси белгиланган.

# БИЛИМ — АҚЛ ЧИРОҒИ

«Билим ақлнинг чироғи, дин (иймон) эса кўнгилнинг чироғидир, — деб ёзади «Илм ва иймон» асарида саудиялик ватандошимиз Раҳматиллоҳ Туркистоний. — Диндан узоқ билим ақлнинг эҳтиёжларини қондирган ҳолда кўнгилнинг истаклари билан ҳисоблашмайди. Ёки аксинча, илмдан узоқ фан кўнгилни чароғон этгани ҳолда ақлни зулматда қолдиради. Шу боис инсоннинг бахт-саодати дин билан билимнинг бирлигидадир».

Ҳақ-таолонинг борлиги ва бирлигини танишга кўнгил, виждон софлиги ва ақл равшанлиги билан эришилади. Ҳадиси-шарифда «Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» ва «Билим йўлини излаган кишига Аллоҳ Таоло жаннат эшикларини очади» дейилади.

Чин эътиқодли, соф виждонли одамлар дунёдаги барча халқларнинг аҳил, тинч-тотув яшашларини, фан-техника, маданият, иқтисод соҳаларида ўзаро ёрдам беришларини истайдилар. Айни вақтда ватанпарвар ва миллатпарвар, яъни халқпарвар бўлиб, бу яхши орзу-ниятларини амалга ошириш учун тер тўкиб меҳнат қиладилар.

Аммо фақат ўзи ва ўз бола-чақаларининг бойишини ўйлаб, бошқа одамларга шафқатсизлик қилиш, ватандошлари, юртдошлари, миллатдошларининг ишларини орқага суриб, таъмагирлик ва порахўрлик билан шуғулланиш, давлат, халқ мулкига, бева-бечоралар, етимлар ҳақига кўз олайтириш, камбағалларга закот, хайр-садақа бермасдан, фақат ўз нафсини ўйлаш, савоб ишлар ўрнига гуноҳ ишларни қилиш — виждонсизлик ва иймонсизлик оқибатларидир.

XII аср мутафаккири Муҳаммад Авфий «Жавомеул ҳикоят» асарида шундай ёзадилар: «Басралик бир одамнинг бир қанча соғин қўйлари бор эди. Лекин ҳар куни қўзичоқлар сутнинг кўп қисмини эмиб қўяр эди. Қўй эгаси бўлса сутга сув қўшиб, бозорга олиб бориб сотарди. Бир куни чўпон ҳалиги одамга деди: «Эй, хожа, бундай қилма, оқибати ёмон бўлади». Лекин қўй эгаси бу насиҳатга қулоқ солмади — сутга сув қўшаверди. Бир куни қўйлар тоғ ёнбағрида ўтлаб юрганида, тўсатдан довул кўтарилиб, жала қуйди. Тоғдан сел келиб, қўйларни оқизиб кетди. Қишлоққа чўпон ёлғиз қайтиб келди. Хожа ундан «Қўйлар қани?» деб суриштирди. Чўпон айтдики: «Қўйларнинг сутига сен қўшган сувлар бир-бирига қўшилиб селга айланди ва қўйларингни оқизиб кетди».

Бу ҳикоятга изоҳнинг ҳожати йўқ. Тухум ўғирлашдан бошланган виждонсизлик ҳам келгусида катта жиноятларга айланиб, ота-онага катта фалокатлар келтиради. Шунинг учун фарзанд тарбиясини она қорнида эканлигида бошлаш зарур, дейилади Расулуллоҳ ҳадиси шарифларида. Ҳомиладор аёлга ҳалол таомлар едирилса фарзанди ҳам ҳалол, соф виждонли бўлиб ўсади.

Виждон, эътиқод фазилати инсонда бурч, масъулият туйғуларини кучайтиради. Виждонли одамлар ўзининг ота-она, қариндош-уруғлари, фарзандлари, халқ, Ватан олдидаги бурчларини ва масъулиятини яхши ҳис этади. Бурч ва масъулият туйғуси инсонни гўзаллаштиради, иззат-обрўйини оширади.

XII асрда, Салжуқ султонларидан Маликшоҳ ва унинг маърифатли вазири Низомул-Мулк даврида яшаган Имом Абу Ҳомид Ғаззолий «Айюҳал валад» («Эй, фарзанд») асарида барча ёшларга насиҳат қилиб айтадики: «Иймон-пайғамбар келтирган (илоҳий) ҳукмларни тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаб, аъзолар ила амал қилмоқликдан иборат. Керакли ва фойдали амаллар учун эса беҳисоб далиллар бор». Қуръони Каримда шундай дейилади: «Инсон фақат қилган амаллари орқасидан фойда кўради. Кимки оллоҳ-таолонинг жамолини орзу қилса, бас, солиҳ (гўзал, эзгу) амал қилсин. Зероки, яхши амаллари эвазига мукофот, ёмон амаллари (ишлари) эвазига жазо олғусидир. Шундай кишиларки, иймон келтириб, солиҳ амалларни адо этур, ул зотлар Фирдавс жаннати мақоми бўлур».

Сайфуз-Зафар Навбаҳорийнинг «Дуррул мажолис» асаридаги нодир ҳикоятларнинг кўпчилиги худди шу иймон-эътиқод мавзуига бағишланган. Китобнинг иккинчи бобида меҳтар (донишманд улуғ) Иброҳим алайҳиссалом билан бир кофир воқеаси келтирилади. Мазкур ҳикоятда саховат-иймон фазилатларидан бири эканлиги жуда чиройли очиб берилади. Ҳикоятда айтилишича, Иброҳим алайҳиссалом шундай саховатли эдики, меҳмон келмаса бир ўзи сира таом емас эди. Кунлардан бирида пайғамбар ҳузурига кофир, яъни, динсиз дарвеш келиб, «Менга таом бергил» деди. Иброҳим:

— «Сен кофирга таомим йўқ» деди.

Дарвеш ноумид бўлиб қайтди. Ўша онда Жаброил (фаришта) Раббул иззат (Аллоҳ)дан хитоб келтирди:

— «Ўша кофир неча йиллардан буён бутпарастлик қилиб келади, бир соат ҳам унинг ризқини кам қилмадим. Сендан бир марта таом сўради, таъна қилдинг».

Бу фикр остида жуда чуқур маънолар бор. Аввало, Ҳақ-Таолонинг чексиз буюклиги шундаки, Ул зот абадул абад диндор (диёнатли) ёки кофир бўлишидан қатъи назар, оламдаги барча одамларга ва барча махлуқотларга ризқ-рўз бериб туради. Айни вақтда Ул зот шу қадар раҳмдил ва саховатлики, ўз бандаларини, хусусан, Иброҳим Халилуллоҳни ҳам нега бечора кофирга таом бермадинг, деб койийди.

Бу фикрдан келиб чиқадиган яна бир теран маъно шуки, оламдаги барча инсонлар ўзаро уруш-жанжал қилмай, бир-бирига яхшилик қилишлари зарур.

**Маҳкам МАҲМУД,**
**Абдуқаюм ПАРДАЕВ**

# ШАХМАТ ОЛАМИДА

Югославиянинг Белград шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги шахмат мусобақасида ўнта мамлакатдан вакиллар қатнашди.

Унда россиялик йигирма ёшли Владимир Крамник билан белоруссиялик Борис Гельфанд ўн бир имкониятдан саккиз очко жамғариб, биринчи-иккинчи ўринларни баҳам кўришди.

***

Санкт-Петербургда машҳур гроссмейстер, Карповнинг устози Семён Фурман таваллудининг 75 йиллигига бағишланган беллашувлар ўтказилди. Мусобақада Фурманнинг дўстлари, шогирдлари, хорижлик шахматчилар иштирок этдилар. Мусобақада гроссмейстерлардан Е. Васюков ва М. Тайманов тўққиз имкониятдан беш ярим очко жамғаришиб, ғолиб деб топилдилар. Бу мусобақага А. Карпов ҳам етиб келди. В. Смислов (қўшиқчи) ва М. Тайманов (роялда) концерти эса йиғилганларни хушнуд этди.

***

Москвада «Мир шахмат» («Шахмат оламида») деган янги газета нашр этила бошланди. Газетада шахмат оламидаги ранг-баранг материаллар бериб борилади. Янги нашр бир ойда икки марта чиқади.

***

Варнада тезкор шахмат бўйича Карпов ва болгариялик шахмат юлдузи Веселин Топалов ўртасида мусобақа ўтказилди. Дастлабки икки партиядан сўнг болгариялик гроссмейстер бир очко олдинга ўтиб олди. Тўрт партиядан сўнг эса жаҳон чемпионининг қўли баланд эди. Олтинчи партияда беллашувга нуқта қўйилди. Бунда ютиб чиққан Топалов 3:3 ҳисобида ўзи учун шарафли бўлган дуранггa эришди.

***

Алматида ўтказилган тезкор мусобақада битта партияга бор-йўғи икки дақиқагина вақт берилди. Мусобақада иштирок этган 14 шахматчи икки даврада ўзаро куч синашдилар. 26 имкониятдан 15,5 очко тўплаган Карпов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Венгриялик машҳур шахматчи қиз Юдит Полгар ҳам худди шундай натижага эришди. Аммо қўшимча кўрсаткичлари пастроқ бўлгани учун унга иккинчи соврин берилди.

Айтиш кераки, Ю. Полгар ФИДЕнинг сўнгги рейтинг кўрсаткичида жаҳондаги энг кучли ўнта шахматчидан биридир!

***

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) 1 декабргача жаҳондаги энг кучли шахматчиларнинг рейтинг кўрсаткичини эълон қилди. Шунга кўра биринчи олтилика қуйидаги шахматчилар кирган 1. А. Карпов — 2780, 2. Г. Каспаров — 2775, 3. В. Крамник — 2770, 4. В. Ананд (Ҳиндистон), 5. В. Иванчук (Украина), 6. Г. Камский (АҚШ) — 2765.

# УМР ВА ВАҚТ

Тезкор вақт, қайтиб келмайдиган вақт инсоннинг энг қимматбаҳо бойлигидир, бинобарин уни елга бериш бориб турган талон-тарожликдир.

**С. Моэм**

* * *

Одамзод ҳаёти тежалган вақтга қараб узаяди.

**Ф. Коллиер**

* * *

Вақт бизнинг энг арзон ва шу билан бирга энг қимматбаҳо мулкимиздир, чунки вақт туфайли биз ҳамма нарсага эришамиз.

**Я. Райнис**

* * *

Вақт мавжуд воситаларнинг энг қимматлисидир.

**Теофраст**

* * *

Вақт энг улуғвор новатордир.

**Ф. Бэкон**

* * *

Қўлимиздан келадиган барча уддабуронликлар чидам ва вақтнинг аралашмасидан бошқа нарса эмас.

**О. Бальзак**

* * *

Пул азиз, инсон ҳаёти ундан азиз, вақт эса ҳамма нарсадан азиздир.

**А. В. Суворов**

* * *

Модомики вақт энг қимматбаҳо мулк экан, унда вақтни талон-тарож қилиш энг оғир гуноҳдир.

**Б. Франклин**

* * *

Инсон бошига тушиши мумкин бўлган энг оғир йўқотиш вақтни бой беришдир.

**Теофраст**



*Бевафодек кетди япроқ,*
*Топталишга тушди ҳам.*
*Мева қолди соҳибининг*
*Кўнглин олишга қишда ҳам.*

**Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ**


МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ



МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-045. 9894 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

